O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 4 март, № 44 (4959) Пайшанба

# ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАНИШЛАР САМАРАСИ

***Хабарингиз бор, бугун дунёда кечаётган молиявий-иқтисодий инқироз кўплаб тараққий этган давлатлар иқтисодиётини ҳам танг аҳволга солиб қўйди. Ана шундай мураккаб бир вазиятда мамлакатимиз иқтисодиётида ўсиш суръатлари барқарор сақланиб келаётгани, қатор тармоқларда юқори натижалар қўлга киритилаётгани эътиборга лойиқ. Бундай муваффақиятлар давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурининг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани натижасидир.***



СУРАТДА: (чапдан) корхона чилангарлари Азамат Жўраев, Бахтиёр Турдиев ҳамда Бахтиёр Баҳромов.

## Модернизация

Айни кунда кўплаб корхоналарда модернизация тадбирлари амалга оширилиб, фаолиятнинг замонавий, тежамкор технологиялар асосида йўлга қўйилиши ўз самарасини бермоқда. Энергетика тизимида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳам шулар жумласидандир.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда янги технологияларга асосланган инвестиция лойиҳаларини энергетика тизимига жорий этиш бўйича бир нечта қарорлар қабул қилинган. Натижада ўтган йили шу асосда "Навоий иссиқлик электр станцияси"да ҳам бир талай ишлар амалга оширилди. Айниқса, Президентимизнинг 2009 йил 19 августдаги қарори билан "Навоий ИЭС" ОАЖда буғ қурилмаси қурилиш инвестиция лойиҳасини амалга ошириш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

***Халқимиз азалдан фарзанд тарбияси, унинг камолига алоҳида эътибор ва масъулият билан ёндашиб келади. Ушбу олижаноб фазилат истиқлол йилларида юксак қадрланиб, бу борадаги ислоҳотлар Юртбошимиз ташаббуси билан давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш жамиятимизнинг муҳим вазифасига айланди.***

# ФАРЗАНДЛАРИ БАРКАМОЛ ЮРТ

***Мамлакатимизда "Соғлом авлод учун" ордени таъсис этилганига 17 йил тўлди.***

Бундан роппа-роса 17 йил муқаддам, яъни 1993 йилнинг 4 мартида Президентимиз "Соғлом авлод учун" орденини таъсис этиш тўғрисидаги Фармонга имзо чекди. Эътиборлиси, мустақил юртимизнинг илк ордени сифатида тарих зарварақларидан жой олган бу муҳим ҳужжатнинг қабул қилинишида ҳам чуқур маъно-мазмун бор.



Соғлом авлод — мамлакатнинг куч ва қудрати, порлоқ истиқболини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Шуни қувонч билан айта оламизки, бугун жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида эртанги куннинг ҳал қилувчи кучи ҳисобланган авлодни соғлом ва ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш мақсади ётади.

Истиқлолнинг илк йиллариданоқ мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ёш авлодни баркамол этиб вояга етказиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури мазкур тизимда ислоҳотларни самарали амалга ошириш имконини яратди. Юртимизда ҳашаматли касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар қад ростлаяпти, мактаблар янгиланаяпти. Энг муҳими, эндиликда ўқувчилар дарсларни нафақат ўқитувчиларнинг маърузаларини тинглаш, шу билан бирга, замонавий ўқув жиҳозлари, компьютерлар орқали ҳам сабоқ олаяптилар. Бу эса, ўз ўрнида, таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳар бир миллатнинг эртанги куни бугунги авлод тақдири билан узвий боғлиқдир. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, фарзандларимизни жисмонан ва маънан баркамол этиб тарбиялаш бора[illegible] ўтган йиллар давомида [illegible] кўламли ишлар бажарилди. Хусусан, мамлакатимизда ўтказиб келинаётган уч босқичли мусобақалар тизими том маънода фахримизга айланди. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари", академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг "Баркамол авлод" ҳамда олий ўқув юртлари талабаларининг "Универсиада" спорт ўйинлари ўғил-қизларимизни янги марралар сари етаклаб, юрт шарафини муносиб ҳимоя қиладиган спортчилар етишиб чиқишига хизмат қилмоқда.

Айтиш жоизки, диёримизда эзгу мақсад билан бошланган барча ишларнинг замирида баркамол авлод орзуси мустаҳкам ўрин эгаллайди. Мантиқан бири-бирига ҳамоҳанг бўлган Оила йили, Соғлом авлод йили, Оналар ва болалар йили, Ёшлар йили, қолаверса, 2010 йил — Баркамол авлод йилида ҳам бу эзгу ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Соғлом авлод тушунчаси фарзандларимизнинг фақатгина жисмоний соғломлигини эмас, айни пайтда уларнинг маънавий етуклиги, руҳий-ахлоқий баркамоллигини ҳам англатади. Шу боисдан "Соғлом авлод учун" ордени билан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлиғини мустаҳкамлаш, уларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ишига алоҳида ҳисса қўшаётган, фарзандлар саломатлигини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, уларни маънавий-интеллектуал жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш соҳасида катта ютуқларга эришаётган ватандошларимиз тақдирланадилар.

(Давоми 2-бетда).

***Президентимизнинг "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан ташкил этилган III Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси якунланди.***

# ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЮКСАК САЛОҲИЯТИ

Илм ўрганиш игна билан қудуқ қазишга тенглаштирилади. Чиндан ҳам, илм йўли ўта машаққатли. Бу йўлда собит бўлиб, эртанги нурафшон кунларимизга хизмат қиладиган илмий ишланмалар яратиш эса, қудуқ тубидаги дурни олиб чиқиш, демакдир. Шу маънода, анъанавий ўтказиб келинаётган ярмаркани олимларимизнинг кўп йиллик изланишлари натижасида йиғилган марварид шодасига менгзаш мумкин. У шундайин марваридки, вақт ўтган сайин қадри ошиб бораверади.

Олимларнинг фикрича, ноёб ихтиролар илмий тадқиқот учун қулай шарт-шароит мавжуд жойдагина яратилади. Шу жиҳатдан юртимизни ихтиролар ўлкаси, деб аташга тўла ҳақлимиз. Бу галги ярмаркага 600 дан ортиқ инновацион технологиялар, замонавий ишланмалар ва илғор ғоялар тақдим этилгани бунга асос бўла олади. Шубҳасиз, бу Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда фан ва ишлаб чиқариш интеграциясига қаратилаётган алоҳида эътибор, илм аҳлига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг юксак самараси, албатта.

Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси ислоҳотлар доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирлардан биридир. Илмий муассасалар билан саноат корхоналарини боғловчи кўприк сифатида бу ярмарканинг нуфузи тобора ортиб бораяпти. Чунки унинг доирасида эришилаётган келишувлар илмий ташкилотларга қўшимча инвестиция киритишга, саноат корхоналарида эса ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга хизмат қилаяпти. Масалан, ўтган ярмаркаларда имзоланган 740 та шартнома бўйича жами 7 миллиард сўм маблағ илмий ишларга йўналтирилди. Натижада истиқболли лойиҳалар устида ишлар жадаллаштирилиб, рақобатбардош технологиялар вужудга келди. Ўз навбатида, корхоналарда замонавий ускуналар татбиқ этилиши импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш, янги иш жойлари яратишга хизмат қилаяпти.

— Очиғи, илгари чет эл фирмаларида ишлаб чиқарилган минитехнологияларни кўриб, ҳавасимиз келарди, — дейди ярмарка иштирокчиси Анвар Носиров. — Ярмаркага қўйилган ишланмалар улардан асло қолишмаслиги бизни хурсанд қилди. Айниқса, мева-сабзавотларни камерали қуритгич маъқул келди. Назаримда, қурилмаларни саноат усулида тайёрлаш йўлга қўйилса, экспорт қилиш имкони ҳам яратиларди.

Дарҳақиқат, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти олимлари томонидан яратилган ушбу қурилма замонавийлиги билан иштирокчилар эътиборига тушди. Электр энергиясини кам сарфлаши, иш жараёни автоматик тарзда бошқарилиши, юқори унумдорлиги ва ихчамлиги билан фермерлар, кичик бизнес вакилларига манзур бўлди. Чунки уни қишлоқ жойларда ишга тушириб, пишиқчилик мавсумида нобудгарчиликнинг олдини олиш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

# ЭНГ ФАОЛ МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТЧИЛАРИ

***Истиқлол йилларида юртимизда миллий маънавиятни тиклаш, уни замон талаблари асосида ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида бу борадаги долзарб вазифалар, амалга оширилиши лозим бўлган ишлар хусусида атрофлича сўз юритилган.***

Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан ўтказилган "Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси" республика кўрик-танлови ана шу мақсадга хизмат қилмоқда. Пойтахтимиздаги Ўзбек Миллий академик драма театрида мазкур танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, "Маҳалла" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Байналмилал маданият маркази ҳамкорлигида ўтказилган ушбу танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари иштирок этди.

## 2010 йил — Баркамол авлод йили

Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари М. Ҳожиматов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимиз маънавиятини юксалтириш, айниқса, ёшларга пухта билим бериш, уларни ўз қизиқиши ва лаёқати бўйича касб-ҳунарга йўналтириш ва соғлом тафаккур, эзгу фазилатлар соҳиби этиб тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 25 августда қабул қилинган "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарори миллий анъана ва қадриятларимизни янада ривожлантириш, йигит-қизлар қалби ва онгида Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини мустаҳкам қарор топтиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Маънавий-маърифий соҳани замон талаблари даражасига кўтариш, ёшларни мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларга нисбатан дахлдорлик ҳиссини ошириш ишларини давр руҳига ҳамоҳанг тарзда ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги глобаллашув даврида ёшларнинг қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан ҳимоя қилиш, уларда ҳаётга нисбатан теран дунёқараш ва фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, улардан кўзланган улуғ мақсадларни аҳоли, айниқса, ёш авлод онгу шуурига етказиш муҳим аҳамият касб этади.

(Давоми 2-бетда).

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДАГИ ГИГАНТ ГЭСЛАР ЛОЙИҲАЛАРИ МИЛЛИОНЛАБ ОДАМЛАР ХАВФСИЗЛИГИГА ТАҲДИД СОЛАДИ

Марказий Осиё мамлакатларида йирик гидроэнергетика иншоотларини қуриш лойиҳалари, уларнинг шошма-шошарлик билан амалга оширилиши келтириб чиқарадиган оқибатлар бу масалага холисона ёндашадиган барча соғлом фикрли кишиларни ҳақли равишда ташвишга солмоқда. Ўзбекистон бундай лойиҳаларнинг минтақадаги экология ва сув мувозанатига таъсири, шунингдек, техноген фалокатлар таҳдидларини келтириб чиқариши мумкинлигини ҳисобга олиб, уларни мустақил халқаро экспертизадан ўтказиш зарурлиги хусусидаги принципиал масалани қатъий қўймоқда.

Бугун ушбу фикрни дунёнинг турли мамлакатларидаги кўплаб мустақил экспертлар ҳам қўллаб-қувватламоқдалар. Масалан, МДҲ мамлакатлари институтининг Бишкек филиали директори, тарих фанлари доктори, профессор, Рус география жамиятининг ҳақиқий аъзоси Александр Князев қаламига мансуб, қатор Интернет-нашрларда эълон қилинган "Ҳақиқат эмас, афсона: Ўрта Осиёдаги мега-ГЭС тақдири номаълумлигича қолмоқда" сарлавҳали мақолада ушбу муаммо бу борадаги ишларнинг ҳақиқий аҳволи нуқтаи назаридан чуқур ҳамда батафсил таҳлил қилинган.

Шуни қайд этиш керакки, мақолада баён этилган фикрлар муаллифнинг тахминларга асосланган қараши эмас ва уни кимнингдир манфаатларини ҳимоя қилаётганликда айблаб бўлмайди.

Муаллиф ҳақли равишда Амударё ва Сирдарё Марказий Осиё давлатлари фаровонлигини ва уларни сув билан таъминлайдиган яхлит манба эканини таъкидлайди. Шу билан бирга, олим Ўзбекистоннинг трансчегаравий Сирдарё ва Амударё сувидан фойдаланиш соҳасидаги манфаатлари ушбу дарёларнинг юқори қисмида жойлашган мамлакатлар томонидан етарли даражада инобатга олинмаётганини қайд этган. "Тожикистон ва Қирғизистон Республикалари томонидан гидротехник иншоотлар қурилишининг амалга оширилиши, биринчи навбатда, Ўзбекистон, шунингдек, Қозоғистон ва Туркманистон хавфсизлигига катта таҳдид солаётганини ҳақида гапиришга мажбур этмоқда", деб ёзади А. Князев.

Айни пайтда эксперт қуйидагиларга эътибор қаратади: "Бу каби объектларни қуришни тартибга соладиган қатъий халқаро нормалар мавжуд бўлса-да, улар ушбу дарёлар юқори қисмида жойлашган мамлакатлар томонидан инкор этилмоқда. Бироқ Қирғизистон ҳам, Тожикистон ҳам ушбу соҳага оид бирон-бир халқаро конвенцияни имзоламаган. Бунда гап, масалан, Россия 1996 йилнинг октябридан буён бажариб келаётган

## Чет эл матбуоти шарҳи

Трансчегара сув оқимлари ва халқаро кўлларни ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги конвенция (Хельсинки, 1992 йил 17 март), Кема юрмайдиган халқаро сув оқимларидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги конвенция (Нью-Йорк, 1997 йил 21 май) ва бошқа кўплаб ҳужжатлар ҳақида бормоқда. Аммо ўз миллий манфаатларини худбинларча ҳимоя қилишдан бошқа нарсани тушунишни истамаётган ва ўз иқтисодиётини қутқаришнинг бирдан-бир чораси сифатида ГЭС лойиҳаларига ёпишиб олган мазкур икки республика бу лойиҳаларни кўпроқ қарз олиш ҳамда ташқи инвесторлар ёрдамига тинимсиз кўз тиккан ҳолда, ярим кўлбола усулда амалга оширишни ўжарлик билан талаб қилмоқда".

Шунингдек, эксперт ҳудудида трансчегара сув оқимлари ҳосил бўладиган мамлакат уларни ўз билганича тасарруф қилиши ҳақидаги фикрнинг бемаънилигини, дарёларнинг қай бири ички, қай бири ташқи экани хусусидаги баҳсларнинг асоссизлигини қайд этади.

"Норин-Сирдарё ва Амударёдан Вахшни ажратиб бўлмаслиги ва улар айнан трансчегара сув оқимлари эканини ҳисобга оладиган бўлсак (бунинг учун харитага қарашнинг ўзи кифоя), Қирғизистон Қамбарота ГЭСини Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг розилигисиз қуришга мутлақо ҳақли эмас. Тожикистоннинг эса трансчегара дарё оқими бўйлаб жойлашган нафақат Ўзбекистон ва Қозоғистон, балки унинг қуйи қисмидаги Туркманистоннинг ҳам розилигисиз ГЭС қуришга ҳеч қандай ҳаққи йўқ. Вахш ички дарё экани ҳақида қанчалик кўп гапирилмасин, у Амударёнинг асосий ирмоқларидан биридир ва шу боис мазкур ҳолатда трансчегара дарёлардан фойдаланиш бўйича барча халқаро принципларга риоя этилиши шарт", деб таъкидлайди А. Князев.

"Роғун ГЭСидаги ҳозирги аҳволни Қирғизистон ҳам "ўз кучи" билан қураётган 2-Қамбарота ГЭСи атрофида рўй бераётган вазият билан таққослаш қийин эмас. Ушбу ҳар икки қурилиш, қаттиқ талабдан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, аввало, ўз халқига, қолаверса, қўшни мамлакатларга қарши қаратилган жиноятдан ўзга нарса эмас. Бу қурилишлар сифати зарур талабларга асло мос келмайди — барпо этилаётган 2-Қамбарота ГЭСи тўғони бунга яққол мисолдир. Ўтган йилнинг декабрида қирғизистонлик гидроқурувчилар ўзларича тупроқни кўчириш учун ноёб портлатиш ишларини амалга оширган бўлсалар-да, кутилган натижаларга эриша олмадилар. Тўпланган тупроқ уюми лойиҳада кўзда тутилган баландликка етмагани, портлатиш ишларида йўл қўйилган хатолар натижасида кўплаб бўшлиқлар пайдо бўлгани ва ҳозир улар ташқаридан тупроқ олиб келиш йўли билан кўлбола усулда тўлдирилаётгани хусусида гапирмаса ҳам бўлади. Демак, бундай иншоотнинг хавфсизлиги ҳақида умуман гапиришнинг ҳожати йўқ", деб қатъий таъкидлайди мақола муаллифи.

(Давоми 2-бетда).

**Бандлик даражасини юксалтириш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Хусусан, янги иш ўринлари яратишнинг самарали шаклларини ривожлантиришда Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони катта аҳамият касб этмоқда. Қоровулбозор тумани Бандликка кўмаклашувчи маркази жамоаси ўз фаолияти мисолида бунга чуқур ишонч ҳосил қилмоқда.**

# ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

Касаначилик

— Мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида туманимизда фаолият кўрсатаётган корхоналар билан яқиндан ҳамкорлик қилаяпмиз, — дейди марказ директори Ғани Ниёзов. — Корхоналардаги ишчи гуруҳлари билан биргаликда ишсиз аҳолини ўрганиб чиқаяпмиз. Истеъмол бозори атрофлича таҳлил қилинмоқда. Биласиз, туманимиз чўл ҳудудида жойлашган. Эркакларнинг асосий қисми саноат корхоналарида ишлайди. Ишсизлар орасида аёллар кўпчиликни ташкил этади. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, истеъмол бозорида трикотаж маҳсулотларига эҳтиёж катта. Биз ишни, аввало, шу йўналишни жонлантиришдан бошладик.

Марказнинг Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи билан ҳамкорликда амалга оширган ишлари эътирофга сазовор. Ҳозир Қоровулбозорда мазкур йирик корхонанинг 300 нафар касаначиси фаолият кўрсатмоқда.

Касаначиларни ишга қабул қилишда уларнинг лаёқати, яшаш жойидаги шарт-шароити ўрганилди. Касаначи сифатида иш бошлаган ҳар бир фуқаро билан меҳнат шартномаси тузилди. Улар учун меҳнат дафтарчаси ва Халқ банкида жамғариб бориладиган шахсий пенсия ҳисобрақами очилди. Бир сўз билан айтганда, касаначилар ижтимоий муҳофазаланган. Масалан, улар завод ҳисобидан тўлиқ ижтимоий суғурта қилинган.

— Корхонада тузилган тегишли шартномага асосан, ишчи-ходимлар учун белгиланган имтиёзлардан биз ҳам фойдаланаяпмиз, — дейди касаначи Мавжуда Зоирова. — Турли байрамларда бизни рағбатлантириб туришади. Ишимизга келсак, мен касаначиликни қулай, аёлларбоп касб, деб айтган бўлар эдим. Уйда туриб, буюртмани ҳам бажарасиз, рўзғор юмушларига ҳам бемалол улгурасиз.

Завод касаначилик маркази бошлиғи Р. Хидировнинг билдиришича, мамлакатимиздаги бир қатор йирик корхоналарнинг талаблари инобатга олиниб, жорий йилда улар билан 1 миллиард 100 минг сўмликдан зиёд маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномалар тузилган. Касаначилар томонидан тайёрланаётган иш коржомалари, кўрпа-ёстиқ жилдлари, хуллас, 22 турдаги маҳсулот ўз сифати ва нисбатан арзонлиги билан харидорларга маъқул тушмоқда.

— Янги иш ўринлари яратиш мақсадида махсус дастур ишлаб чиққанмиз, — дейди туман Бандликка кўмаклашувчи маркази директори Ғ. Ниёзов. — Шу йўл билан аҳолининг ишсиз қатламига, хусусан, аёлларга қулайликлар яратиб бераяпмиз. Чунончи, ўтган йили мазкур дастурга мувофиқ, 39 та корхона ва ташкилот томонидан 387 та касаначи иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, 2009 йилда 48 нафар қишлоқ аёли миллий кийимлар тикиш, зардўзлик бўйича касбга қайта тайёрланди ва ишга жойлаштирилди.

Шу ўринда яна бир далилни келтириш ўринлидир. “2009 йилга мўлжалланган янги иш ўринлари яратиш” манзилли дастурига асосан, туманда барча йўналишлар бўйича 1464 та янги иш ўрни ташкил қилинди. Бу 2008 йилдагига қараганда 1,9 мартага, 2007 йилдагига нисбатан эса 2,6 бараварга кўпдир.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Жараён

**Нукусда “Баркамол авлод йили” Давлат дастури доирасида “Камолот” ЁИҲ Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ва ЎзФАнинг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими ташаббуси билан Ёш олимлар кенгаши тузилди.**

# ЁШ ОЛИМЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

Бундан кўзланган мақсад, турли соҳаларда тадқиқотлар олиб бораётган ёш олимларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг илмий изланишларини юзага чиқариш учун шарт-шароитлар яратишдир. Шунингдек, кенгаш ишчи гуруҳи ёш олимларнинг ихтиролари ва инновацион ишланмаларини ҳомий ташкилотлар ва корхоналарни жалб этган ҳолда, ишлаб чиқаришга жорий этишга ҳам кўмаклашади.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ФАРЗАНДЛАРИ БАРКАМОЛ ЮРТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Юртимизда “Соғлом она — соғлом бола” тамойили асосида бу ишлар янада такомиллашиб бормоқда. Халқимизнинг ўртача умр кўриши 4-5 йилга узайгани, навқирон авлоднинг интеллектуал салоҳияти ошгани бу эзгу ишларнинг самарасидир.

Шуни таъкидлаш жоизки, фақат ёш авлоднинг саломатлигини муҳофаза қилиш ва камол топтириш билан бевосита шуғулланадиган касб эгаларигина эмас, балки шу билан бирга, болаларни ҳимоя қилишга ўз ҳиссасини қўшган турли чет давлатлар ва жамоат тузилмаларининг вакиллари ҳам “Соғлом авлод учун” ордени билан мукофотланадилар. Шунингдек, моддий ва маънавий қадриятларни яратишга йўналтирилган умумдавлат тадбирларини ўтказишга, етим болалар ва ногиронларни тарбиялашга, оналар ва болаларни муҳофаза қилишга катта ҳисса қўшган фуқаролар, жамоат ташкилотлари меҳнати ҳам мазкур орден воситасида қадрланади.

“Соғлом авлод учун” орденининг таъсис этилиши инсон ва унинг манфаатлари ҳар томонлама эъзозланаётган бизнинг диёримизда халқ саломатлиги, янги авлоднинг жисмоний ва руҳий-маънавий баркамоллиги олий қадрият, деб эътироф этилаётганлигининг ёрқин рамзидир. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, соғлом, билимли ва фидойи фарзандлари бўлган халқ, албатта, ўзининг буюк келажагини барпо этади.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЮКСАК САЛОҲИЯТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Умуман олганда, таклиф этилган ишланмалар иқтисодий ва ижтимоий соҳанинг саноат, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, соғлиқни сақлаш, ахборот технологиялари, фан ва таълим сингари йўналишларини қамраб олди. Уларнинг барчаси ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлиб, айни пайтда саноат корхоналарида учраётган муаммоларни бартараф этиш, сарф-харажатларни камайтириш, моддий ресурсларни тежашга, энг муҳими, мамлакат экспорт салоҳиятини оширишга қаратилгани билан алоҳида эътиборга моликдир.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ҳабиб Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институтида яратилган ишланмалар бунга мисол бўла олади. Улар қишлоқ хўжалиги корхоналарига сувни иқтисод қилувчи бентонет маҳсулотини таклиф этишди.

— Бентонет сув теккач, ҳажмини ўн бараваргача кенгайтиради, — дейди институт илмий котиби Абдужалил Ортиқов. — Натижада керакли миқдорда сувни шимиб олиб, узоқ муддат нам сақлайди ва обиҳаётни 20-30 фоиз иқтисод қилади. Таркибидаги микроэлементлар эса экиннинг ривожини яхшилайди. Бентонет ўтган йили пахтачиликда қўлланилганда, ҳар гектар майдонда 1000 кубометр сув иқтисод қилиниб, ҳосилдорлик бирмунча ошди. Айни пайтда бентонет гранулласини Фарғонадаги ҳамкоримиз — “Сайқал” корхонасида ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Корхона йилига 140 минг тонна атрофида маҳсулот тайёрлаш қувватига эга.

Бу ерда институт билан ҳамкорликда яна бир экспортбоп маҳсулотнинг намунаси ишлаб чиқарилди. У илк бор ярмарка иштирокчиларига тақдим этилди. “Ўзбек бентомати” деб номланган мазкур маҳсулот изоляциявий хусусиятга эга бўлиб, сув омборлари қурилиши, кимёвий чиқиндихоналарда кенг қўлланилади. Бундай маҳсулотга ташқи бозорда талаб ниҳоятда катта. Бироқ у дунё бўйича атиги АҚШ, Германия, Болгария давлатларида ишлаб чиқарилади. Чунки материалнинг асосини бентонет ташкил этади. Унинг бир квадрат метрига 5 килограмм бентонет сингдирилади. Агар хом ашё мамлакатимизда сероблигини ҳисобга оладиган бўлсак, бентомат материалининг ишлаб чиқарилиши республикамиз экспорт салоҳиятини ошириши, шубҳасиз. Материал намунаси билан танишган болгариялик мутахассислар унга юқори баҳо беришди ва ҳамкорлик қилиш истагини билдиришди.

III Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасига ана шундай илғор ишланмалар қўйилгани боис ҳар бир кун томонларнинг ўзаро келишув ва битимларига бой бўлди. Тадбир доирасида долзарб мавзулардаги илмий-амалий анжуманларнинг ўтказилиши эса унга бўлган қизиқишни янада оширди. Жумладан, ярмарканинг сўнги кунида “Ўзбекистоннинг инновацион ривожланиши: муаммолар ва истиқболлар” мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Бу галги ярмарканинг яна бир эътиборли жиҳати, якунда энг илғор деб топилган инновацион ишланмалар муаллифлари рағбатлантирилди. Улар орасида ёш олимлар ва иқтидорли талабаларнинг борлиги мамлакатимиз интеллектуал салоҳияти тобора юксалиб бораётганини кўрсатади. Зотан, бугунги эътибор ва рағбатдан оқилона фойдаланаётган баркамол авлоднинг илмий ишланмалари маҳсули юртимиз иқтисодиётининг гуркураб ривожланишига муносиб улуш қўшиши муқаррардир.

Ярмарканинг ёпилиш ва энг яхши лойиҳалар танлови ғолибларини тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Орипов сўзга чиқди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

“Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси” республика кўрик-танловидан кўзланган асосий мақсад ҳам фидойи, билимдон ҳамда таъсирчан сўзи, юксак интеллектуал салоҳияти билан одамларни эргаштира оладиган изланувчан, ташаббускор тарғиботчиларни аниқлаш, уларнинг илғор иш тажрибасини юртимизда кенг оммалаштириш, ушбу йўналишда ўзаро фикр ва тажриба алмашишга имкон яратишдан иборатдир.

# ЭНГ ФАОЛ МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТЧИЛАРИ

Танлов жараёнида маънавият тарғиботчиларининг сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳалардаги билими, қобилияти, ҳамюртларимиз, айниқса, ёшлар билан маърифий тарғибот ишларини олиб бориш кўникмаси билан боғлиқ жиҳатларга асосий эътибор қаратилди.

Танлов якунига кўра турли йўналишларда Тошкент шаҳар Сергели туманидаги 300-мактаб директори ўринбосари Малика Абдуллаева, Бухоро давлат университети “Социология ва маданиятшунослик” кафедраси мудири Ҳакима Саломова, Хоразм вилояти таълим маркази бош методисти Зуҳра Рўзиметова, Бухоро вилояти, Когон тумани маданият ва спорт ишлари бўлими 3-қишлоқ маданият уйи раҳбари Муаззам Исматова, “Тасвирий ойина” ижодий уюшмасининг Тошкент вилояти бўлими раиси Акром Мамарасулов, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети “Миллий ғоя ва ижтимоий фалсафа” кафедраси ўқитувчиси Сурайё Бердиқулова, Марғилон шаҳридаги “Яйилма” маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Замира Ўзганбоева, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси етакчилар кенгаши раиси ўринбосари Сурайё Икромова, Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театри актрисаси, Ўзбекистон халқ артисти Марям Ихтиёрова, Миллий телерадиокомпаниянинг “Ўзбекистон” телеканали Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарририяти “Дўстлик” гуруҳи катта муҳаррири Анор Садуакасова, Самарқанд вилояти, Пайариқ туманидаги тиббиёт коллежи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Доно Раҳимов ғолиб, деб топилди.

Ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАНИШЛАР САМАРАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу жараёнда танлов асосида “ИНИТЕК энергия” (Испания) ва “ЧАЛИК энержи” (Туркия) компаниялари ҳамкорлигида тузилган консорциум билан шартнома имзоланди. Натижада Япониянинг “Мицубиси” компаниясида ишлаб чиқарилган, 478 мВт. қувватига эга бўлган энг замонавий буғ-газ қурилмаси танлаб олинди. Умумий қиймати 336,7 миллион евродан иборат мазкур лойиҳа 2009 — 2014 йиллар давомида изчил амалга оширилиши кўзда тутилган. Ҳозирда шу асосда фаол иш олиб борилаётир. Жумладан, 2012 йилнинг учинчи чорагида лойиҳанинг биринчи босқичини ишга тушириш режалаштирилган.

Таъкидлаш лозимки, ушбу буғ-газ қурилмасида бир киловатт-соат электр энергиясини ишлаб чиқариш учун 230 грамм шартли ёқилғи сарфланади. Ваҳолонки, ҳозирда мавжуд станцияларда бу кўрсаткич 400 граммни ташкил этади.

— Станциядаги барча технологик жараёнлар шу ердан бошқарилади, — дейди смена бошлиғи, Ўзбекистон Қаҳрамони Комил Ибраҳимов. — Айниқса, цехлар фаолияти доимий эътиборимизда бўлади. Қолаверса, барча истеъмолчи корхоналар ва энергетика тармоғи диспетчерлик хизматлари ўртасида узлуксиз ахборот алмашиниб турилиши йўлга қўйилган.



**СУРАТДА:** (чапдан) смена бошлиқлари Баҳром Ҳаитов, Комил Иброҳимов ҳамда Ғофур Пармонов иш жараёнида.

Барча ишлаб чиқариш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг бир меъёрда ишлаши учун электр станциясининг барқарор фаолият юритиши талаб этилади. Шундан келиб чиқиб, корхонада ишнинг масъулият, эътибор ва билимдонлик асосида олиб борилаётгани муваффақиятлар салмоғини оширишга имконият яратмоқда.

Маълумки, Юртбошимизнинг “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Фармони доирасида Вазирлар Маҳкамасининг 2009 — 2011 йилларда республиканинг ҳар бир туманида енгил конструкцияли, муқобил иссиқлик манбаида ишлайдиган иссиқхоналарни ишга тушириш дастури қабул қилинган эди. Ушбу ҳужжатга биноан, “Ўзбекэнерго” давлат акциядорлик компанияси таркибига кирувчи корхоналар қошида 50 гектарлик майдонда замонавий типдаги, енгил конструкцияли иссиқхоналар қурилиши белгиланди. Чунончи, 2009 — 2011 йилларда “Навоий иссиқлик электр станцияси” қошида ҳам 20 гектар майдонда иссиқхона қурилиши мўлжалланган.

— Бу жараёнда бир нечта замонавий иссиқхоналар ўрганилиб чиқилди, — дейди корхона раҳбари Қаҳрамон Ғаниев. — Натижада технологик ва нарх жиҳатидан мақбул саналган, Жанубий Кореянинг “Бок юнг” компанияси томонидан ишлаб чиқилган ва икки гектарлик майдонга мўлжалланган иссиқхона ускуналари сотиб олинди. Ушбу ускуналарнинг афзаллиги шундаки, иссиқхонада ҳарорат тизими автоматик тарзда бошқарилиб турилади. Эътиборлиси, у ишга тушгач, 300 тонна мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш имконига эга бўламиз. Қолаверса, бу орқали қўшимча 38 та иш ўрни яратилади. Дастурда белгиланган вазифаларнинг изчил амалга оширилиши эса, келгусида бу ердаги ишчилар сонининг 400 нафардан ошишига асос бўлади.

Энергия тизимида олиб борилаётган ислоҳотлардан кўзланган мақсадлар ғоятда улуғвор ва залворли. Зеро, уларнинг ижросини таъминлаш орқали иқтисодиётимизда янада юксалишга эришилади.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ**
**олган суратлар.**

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДАГИ ГИГАНТ ГЭСЛАР ЛОЙИҲАЛАРИ МИЛЛИОНЛАБ ОДАМЛАР ХАВФСИЗЛИГИГА ТАҲДИД СОЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Олим ҳозир фаолият кўрсатаётган гидроэнергетика иншоотларининг хавфсиз ишлашини таъминлаш масаласи мутахассислар томонидан бир неча бор кўтарилганини қайд этади: “СССРдан Тожикистонга мерос бўлиб қолган Нурек ГЭСи, Қирғизистонга мерос бўлиб қолган Тўхтағул ГЭСи ва уларнинг сув омборларини тартибга солишнинг ўзи долзарб масала эмасми? Ҳар икки ҳолатда ҳам, ушбу сув омборларига сувнинг кам тўпланиши, объектив сабаблардан ташқари, собиқ совет давридан буён ҳеч ким ушбу станцияларда жиддий профилактика ишлари олиб бормагани, уларни модернизация қилиш билан жиддий шуғулланмаётгани, сув омборларини лойқа босиб қолиши йўл қўйиладиган барча меъёрлардан ошиб кетаётгани билан боғлиқдир. Яқинда Нурек ГЭСида рўй берган авария катта талафотларга олиб келмаган бўлса-да, бу авария Тожикистон учун ҳам, Қирғизистон учун ҳам ниҳоятда жиддий хатар қўнғироғидир”.

А. Князев ушбу муаммоларни назарда тутган ҳолда, шундай деб ёзади: “Шунинг учун ўзаро келишиб иш тутмоқ лозим. Акс ҳолда, Ўзбекистоннинг Роғун ва Қамбарота ГЭСларининг ишини, агар улардан бирортаси қурилса ҳам, ҳатто ҳарбий йўл билан бўлса-да, тўхтатиб қўйишига ҳеч нарса монелик қила олмайди. Ўзбекистон раҳбарияти бундай ҳаракатлар билан нафақат ўзининг ўн миллионлаб аҳолисини, балки Қамбарота лойиҳалари таъсир доирасида жойлашган Қирғизистоннинг Фарғона водийсидаги уч вилояти (Ўш, Жалолобод ва Боткент) ва Тожикистоннинг бир вилояти (Сўғд) аҳолисининг ҳам хавфсизлигини таъминласа, у ҳар томонлама ҳақ бўлиб чиқади”.

“Сув миқдори камайиб, тақчиллиги ортиб бораётган бир пайтда янги тўғонларни қуриш, жиддий ўрганиб чиқмасдан туриб улардан энергетика мақсадларида фойдаланиш сув баланси ҳамда барқарор ривожланиш борасида ўта салбий оқибатларни келтириб чиқариши ҳақида қатъий фикрга келиш мумкин”, деб ёзади А. Князев.

Эксперт мамлакат манфаатларига ва аҳолиси хавфсизлигига риоя қилиш бўйича Ўзбекистон илгари сураётган талабларни мутлақо тўғри ва ҳақли, деб ҳисоблайди.

“Ҳар бир мамлакат, албатта, ўз миллий манфаатларини кўзлайди, шу сабабли бу борадаги бирдан-бир тўғри йўл — томонларнинг муросага келиши, бири-бирига ён беришидир. Ўзбекистоннинг бу борадаги позициясини дўқ-пўписа, деб қабул қилмаслик керак, балки унинг юзага келган ҳолатдан жиддий ташвишланаётганини тўғри тушуниш лозим. Ўзбекистон раҳбарияти қайд этилган ҳар икки лойиҳада Ўзбекистон Республикаси манфаатлари ҳисобга олинмас экан, ҳам Тожикистон, ҳам Қирғизистонга қарши ҳозирданоқ энг қатъий чораларни қўллаш ҳақида ўйлашга мутлақо ҳақлидир. Бунда тўғонларнинг қизиққонлик билан муҳокама этилаётган баландлиги, бошқа жиҳатлари эмас (бу масаланинг майда тафсилотларидир), балки уларнинг сифати, сув омборларининг йўл қўйилиши мумкин бўлган ҳажмининг илмий асослангани, энг муҳими — ушбу иншоотларнинг мустаҳкамлик даражаси, хавфсизлик билан боғлиқ барча жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиш керак, деганидир”.

Муаллиф ўз мақоласида россиялик ҳамкасбларининг мазкур лойиҳалар борасида “асоссиз, энергетика ресурсларидан саводсизларча фойдаланиш, самарадорликнинг пастлиги, қўлланилаётган технологиялар, малакали муҳандис ва ишчи кадрларнинг қолоқлиги (йўқлиги)”ни эътироф этаётганини ҳам келтиради.

Ва ниҳоят, бундай йирик гидроэнергетика иншоотлари қурилиши ташаббускорларининг энг сўнгги асоси, яъни ушбу иншоотларни қуриш ва улардан фойдаланиш натижасида олинадиган катта иқтисодий фойда ҳақидаги тахминлари олимлар томонидан шубҳа остига олинмоқда.

Муаллиф ушбу лойиҳаларнинг ўзини қоплаши ҳақидаги гапларни холисона таҳлил қилар экан, “...гигант-лойиҳаларнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлиги ҳам жуда шубҳали”, деб ёзади.

Бунда олим аҳолини электр энергияси билан таъминлаш учун Қирғизистонда ҳам, Тожикистонда ҳам кичик ГЭС тармоқларини қуриш самарали, иқтисодий жиҳатдан манфаатли ва хавфсиздир, деган қатъий хулосага келади.

Муаллиф юқорида қайд этилган лойиҳаларнинг бўлажак ташқи иштирокчилари ҳақида гапирар экан, шундай деб огоҳлантиради: “Хитой томони бир неча йил муқаддам Тожикистонда Роғун ва Қамбаротага ўхшаш, аммо нисбатан кичик Зарафшон ГЭСи қурилиши бўйича лойиҳани минтақадаги етакчи мамлакат — Ўзбекистон билан келиб чиқиши мумкин бўлган можаро ёмон оқибатларга олиб келишини англаган ҳолда, тезлик билан тўхтатиб қўйганини эсга олиш кифоя. Яқинда Қирғизистоннинг гидроэнергетика лойиҳаларида иштирок этиш ҳақидаги таклифлари ҳам Хитойда қўллаб-қувватланмади”.

Шу муносабат билан А. Князев ҳақли равишда таъкидлайди: “Табиийки, Россиянинг хориждаги гидроэнергетика бўйича фаоллиги, Қирғизистон ва Тожикистондаги лойиҳаларда бўлгани каби, минтақавий зиддиятлар манбаига айланмаслиги лозим ва бундай ҳолат юз бериши эҳтимолдан холи эмас”.

Чоп этилган мақоладаги ҳамма фикрларни ҳам тўғри, дейиш қийин, албатта. Олимнинг барча таклиф ва хулосаларига, хусусан, сув-энергетика консорциумини ташкил этиш бўйича кўп маротаба муваффақиятсиз муҳокама этилаётган масала юзасидан билдирган фикрларига ҳам қўшилиб бўлмайди. Бироқ А. Князевнинг муаммо жиддийлигини, Ўзбекистоннинг минтақа мамлакатларида яшаётган миллионлаб одамлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган катта хавф борасидаги ташвишини англаб етгани ниҳоятда муҳимдир.

**О. РАЖАБОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

AGROBANK

**2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда эришилган натижалар Ўзбекистонни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш мақсадида танланган ўзига хос ва мос стратегик йўл нақадар тўғри ва оқилона эканлигини яна бир бор жаҳонга намойиш этди.**

**Мамлакатимиз ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, шунингдек, глобал молиявий-иқтисодий инқироз таъсирини бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар дастурини оғишмай ҳамда изчил амалга ошириш натижасида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатлари таъминланди. Бунда ҳаётга татбиқ этилган қонунлар, Президентимиз Фармон ва қарорлари, шунингдек, ҳукуматимиз томонидан 2009 — 2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури муҳим аҳамият касб этганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.**

# «Агробанк»: ЮКСАЛИШ ВА ФАРОВОНЛИК – БОШ МЕЗОН

Республикамизда тўла шаклланиб улгурган банк-молия тизимини мустаҳкамлаш ва янада такомиллаштириш, уларнинг капитал ҳамда ресурс негизини кучайтириш орқали иқтисодиётнинг базавий тармоқлари корхоналари, биринчи навбатда, экспорт қилувчи корхоналарга молиявий кўмак бериш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани, айниқса, қишлоқ жойларда ривожлантириш йўли билан кўплаб янги иш ўринлари очишга қаратилган саъй-ҳаракатлар амалда ўз самараларини бермоқда.

Айтиш лозимки, 2009 йилда мамлакатни барқарор иқтисодий ривожлантириш ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини бартараф этишда республика тижорат банклари, хусусан, "Агробанк" очиқ акциядорлик тижорат банкининг ҳам ўзига хос ҳиссаси бўлди.

## Эътибор, имконият ва натижа

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 30 мартдаги "Агробанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори республика банк-молия тизимини янада ривожлантириш ва фаолиятини такомиллаштиришда янги қадам бўлди, дейиш мумкин. Акциядорлик тижорат "Пахтабанк" негизида ташкил этилган мазкур молия муассасаси ўтган қисқа вақт мобайнида мамлакат иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга қаратилган фаолиятини барқарорлаштириш ҳамда янада мустаҳкамлашга эришди. Бугунги кунга келиб "Агробанк" республиканинг саноат ишлаб чиқариш сектори ва қишлоқ хўжалик тармоқлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, қурилиш, транспорт ва алоқа тизимлари, савдо ва бошқа хизмат соҳаларини талаб, эҳтиёж даражасида молиявий қўллаб-қувватлаш имкониятига эга бўлган энг салоҳиятли тижорат банкларидан бирига айланди.

Банк фаолиятининг асосий кўрсаткичлари 2009 йил салмоқли натижалар билан якунланганини яққол тасдиқлайди. Бугунги кунда у республикамизнинг энг чекка худудларида ҳам ўз филиалларига эга. Ҳозирда "Агробанк"нинг 185 та туман (шаҳар) филиали, 468 та минибанки, 189 та махсус кассаси, 274 та валюта айирбошлаш шохобчаси 270 мингдан зиёд юридик ва бир миллиондан ортиқ жисмоний шахсларга банк хизматлари кўрсатмоқда.

Ҳисобот йили охирига келиб, банк активлари 423 миллиард сўмга ёки 44 фоизга ўсиб, 1383 миллиард сўмга етди. "Агробанк" фаолияти кўламининг кенгайиши, ўз навбатида, капиталлашув даражасини оширишни тақозо этди. Жумладан, унинг жамлама капитали йил бошидагига нисбатан 41 миллиард сўмга ёки 32 фоизга ўсиб, 173 миллиард сўмни ташкил қилди.

Президентимизнинг "Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ҳамда "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги фармонлари ижросига салмоқли ҳисса қўшиш мақсадида "Агробанк" тегишли тадбирлар белгилаб, уларни изчиллик билан амалга ошириб келмоқда. Хусусан, ўтган йили иқтисодиёт тармоқларига 1 триллион 308 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилди. Бу 2008 йилдагига нисбатан 367 миллиард сўм кўпдир. Ушбу маблағлар қишлоқ хўжалиги, саноат ва қурилиш, савдо ҳамда умумий овқатланиш каби қатор хизмат соҳаларига, моддий-техник таъминот ишларига йўналтирилди.

Бугунги кунда "Агробанк" ўз тизимига кўплаб халқаро молия муассасаларининг узоқ муддатли кредит линияларини жалб этиб, уларнинг маблағлари ҳисобидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиялаштиришни изчил давом эттирмоқда. Масалан, Халқаро тараққиёт ассоциациясининг кредит линияси орқали ҳам муҳим лойиҳалар молиялаштирила бошланди. Шунингдек, "Агробанк" билан Ислом хусусий секторни ривожлантириш ассоциацияси ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун 5 миллион АҚШ доллари миқдорида молиялаштириш линиясини очиш тўғрисида келишув имзоланди.

"Агробанк" "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида қишлоқлар қиёфасини яхшилаш ва аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган кенг кўламли қурилиш ишларини молиялаштиришда фаол иштирок этаётир. Бунда асосий эътибор қишлоқларда мева, сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган замонавий, ихчам корхоналарни барпо этиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариш учун етарли миқдорда кредитлар ажратиш орқали кўплаб янги иш ўринлари яратиш, биринчи навбатда, ёшларни муқим иш жойлари билан таъминлаш, умуман, аҳоли турмуш шароитини яхшилашга қаратилмоқда.

Мамлакат иқтисодиётининг аграр секторини барқарор ва жадал ривожлантириш, тармоқдаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни изчиллаштириш ва янада чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи янги замонавий, ихчам корхоналарни кўплаб барпо этиш, ички бозорни арзон маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли даражада тўлдиришга қаратилган муҳим лойиҳаларни молиялаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлар, айниқса, кутилган самараларни бераяпти.

### 2009 йилда «Агробанк» томонидан қишлоқ хўжалигига ажратилган кредитлар самараси:

*— **Республикада чорвачиликни ривожлантиришга** йўналтирилган 4 858 та лойиҳани молиялаштириш учун ажратилган 23 миллиард 700 миллион сўм кредит ҳисобига хориждан 21 минг 388 бош зотдор қорамол келтирилди. 443 тонна гўшт, 15 минг 511 тонна сут маҳсулотлари тайёрланди ва тармоқда 10 минг 535 та янги иш ўрни ташкил этилди;*

*— **гўшт ва сутни қайта ишлайдиган минитехнологиялар ва ихчам ускуналар сотиб олиш учун** ажратилган 7 миллиард 400 миллион сўм кредит ҳисобига 1 минг 339 та қўшимча иш ўрни очилди;*

*— **жойларда чорвачиликнинг озуқа базасини кенгайтириш,** жумладан, омихта ем, шрот ва шелуха сотиш шоҳобчаларини очиш ҳамда айланма маблағларни тўлдириш учун ажратилган 9 миллиард 500 миллион сўм кредит эвазига 323 та янги иш ўрни яратилди;*

*— **паррандачиликни ривожлантиришга** қаратилган 386 та лойиҳани молиялаштиришга ажратилган 10 миллиард 100 миллион сўм кредит ҳисобига паррандалар 1 миллион 689 мингтага кўпайтирилиб, 20 миллион 533 минг дона тухум, 270 тонна парранда гўшти етиштирилди, тармоқда 2 797 та янги иш ўрни ташкил этилди;*

*— **балиқчиликни ривожлантиришга** қаратилган 137 та лойиҳани молиялаштириш учун 1 миллиард 500 миллион сўм кредит ажратилиб, 296 та янги иш ўрни яратилди ва 405 тонна ёки 1 миллиард 200 миллион сўмлик балиқ етиштирилди;*

*— **асаларичиликни ривожлантиришга** қаратилган 95 та лойиҳани молиялаштиришга йўналтирилган 1 миллиард 100 миллион сўм кредит ҳисобига 2 минг 525 та янги асалари оиласи яратилиб, 162 та иш ўрни ташкил этилди ва 100 тонна ёки 1 миллиард 200 миллион сўмлик асал истеъмолчиларга етказиб берилди;*

*— **иссиқхоналар ташкил этишга** қаратилган 299 та лойиҳани молиялаштиришга 9 миллиард 300 миллион сўм кредит ажратилиб, 1 минг 499 та янги иш ўрни яратилди ва 24 миллиард 700 миллион сўмлик маҳсулот етиштирилди;*

*— **4 минг 796 та шахсий томорқа эгалари ҳамда фермер хўжаликларига сабзавот, полиз ва картошка уруғлари, мева ҳамда узум кўчатлари учун** 9 миллиард 600 миллион сўм ёки 2008 йилдагига нисбатан 38 фоиз кўп кредит ажратилди;*

*— **аграр тармоқ корхоналарини қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминлаш** мақсадида 100 миллиард сўмдан ортиқ кредит ажратилиб, ғалла ўриш комбайнлари, чопиқ ва ҳайдов тракторлари ҳамда бошқа зарур агрегатлар харид қилинди.*

## Қишлоқ хўжалигининг молиявий таянчи

Шуни мамнуният билан таъкидлаш ўринлики, иқтисодиётимизнинг устувор тармоғи саналган қишлоқ хўжалиги таркибий тузилмасини бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда тубдан ислоҳ қилиш жараёни муваффақиятли якунланди. Жамоа хўжаликлари босқичма-босқич тугатилиб, улар негизида мустақил фаолият юрита оладиган юридик мақомга эга фермер хўжаликлари ташкил этилди. Таъбир жоиз бўлса, эндиликда республика аграр тармоғининг истиқболи шу фермер хўжаликларининг бундан буёнги саъй-ҳаракатларига боғлиқдир. Ана шу янгиланишларни кўнгилдагидек амалга оширишда аграр секторнинг асосий молиявий таянчи бўлган "Агробанк"нинг хизматлари беқиёс бўлди.

Бугунги кунда "Агробанк"нинг бутун республика ҳудудини қамраб олган филиал, минибанк, махсус касса ва бошқа муассасалари фермер ҳамда деҳқон хўжаликлари, 74 мингдан ортиқ кичик бизнес субъектлари, "Ўздонмаҳсулот" давлат акциядорлик компанияси, "Ўзқишлоқхўжаликкимё", "Ўзпахтасаноат" ва "Ўзагромашсервис" уюшмалари, шунингдек, қурилиш ва транспорт тизимлари таркибидаги 1650 га яқин корхона, 800 дан зиёд муқобил машина-трактор паркларига кенг қамровда банк хизмати кўрсатмоқда.

Юртбошимизнинг "Агробанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Агробанк" акциядорлик тижорат банки фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорларидан сўнг мамлакат қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлаш имкониятлари беқиёс даражада кенгайиб, янада барқарор тус олди. Хусусан, аграр тармоққа ажратилган кредит маблағлари 672,4 миллиард сўмга етди.

"Агробанк" чорвачиликни ривожлантириш билан бирга, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик тармоқларини ҳам шакллантириш ва улар фаолиятини кенг йўлга қўйиш мақсадида бошланган изчил саъй-ҳаракатларни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият қаратмоқда. Жумладан, ўтган йили банк томонидан паррандачилик тармоғини ривожлантириш тадбирлари учун 10 миллиард 100 миллион сўм, балиқчиликни кенг йўлга қўйишга 1,5 миллиард сўм, асаларичиликни молиявий қўллаб-қувватлашга 1,1 миллиард сўм кредит ажратилди.

Кейинги йилларда мамлакатда иссиқхона хўжаликларини барпо этиш ҳаракати кенг қулоч ёйди. "Агробанк" иссиқхоналар ташкил этишга қаратилган қарийб 300 та лойиҳани амалга ошириш мақсадларига 9,3 миллиард сўм кредит ажратди. Шунинг эвазига 1500 га яқин иш ўринлари яратилди.

"Агробанк" 2010 йилда қишлоқ хўжалигига молиявий ёрдамни талаб ва эҳтиёжлар даражасида кенгайтириш ҳисобига республика аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш юзасидан алоҳида дастур ишлаб чиқди. Ушбу дастур лойиҳаларини изчил амалга ошириш учун ажратиладиган кредит маблағлари ҳисобига жорий йилда 2009 йилдагига нисбатан камида 1,5 баравар кўп қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлашга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш шунингдек, 11 минг 900 дан зиёд янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилган.

Президентимизнинг қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга оид Фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда мазкур соҳани қўллаб-қувватлаш учун жалб этилган чет эл кредит линиялари маблағлари ҳисобидан қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам "Агробанк" томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Халқаро тараққиёт уюшмаларининг жалб этилган кредит линиялари ҳисобидан 2010 йил 1 январь ҳолатига жами 44,3 млрд. сўм миқдорида узоқ муддатли кредитлар ажратилди.

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш" лойиҳаси асосида жами 15 миллион 481 минг АҚШ доллари миқдорида жалб этилган кредит линия маблағлари, Осиё тараққиёт банки иштирокида "Дон экинлари ҳосилдорлигини ошириш" лойиҳаси асосида жами 7 миллион АҚШ доллари миқдорида жалб этилган кредит линия маблағлари, "Аму-Занг машина канали тизимини қайта таъмирлаш" лойиҳаси асосида жами 3,2 миллион АҚШ доллари миқдорида жалб этилган кредит линия маблағлари, Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида 2009 йилдан бошлаб амалга оширилаётган "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш. 2-босқич" лойиҳаси асосида 12,2 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар республикада фаолият юритаётган фермер хўжаликлари ҳамда қишлоқ хўжалигига агротехник хизмат кўрсатувчи корхоналарга йўналтирилди. Ушбу кредит линиялари ҳисобидан жами 1063 та қишлоқ хўжалиги техникаси, жумладан, дон ўриш комбайнлари, экскаваторлар, ҳайдов ва чопиқ тракторлари, пахта сеялкалари, плуглар, культиваторлар, ОВХ пуркагичлари ҳамда бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги техникалари ва агрегатлари харид қилинди.

### 2009 йилда «Агробанк» фаолиятининг эътиборли жиҳатлари:

*— Президентимизнинг 2009 йил 30 мартдаги "Агробанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига асосан, акциядорлик тижорат "Пахтабанк" негизида "Агробанк" очиқ акциядорлик тижорат банки ташкил этилди. Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида унинг 185 та туман ва шаҳар филиали, 468 та минибанки, 189 та махсус кассаси, 274 та валюта айирбошлаш шоҳобчаси қарийб 270 мингдан зиёд юридик ва 1 миллиондан ортиқ жисмоний шахсга банк хизматлари кўрсатмоқда.*

*— Банкнинг "Paxta-Servis" депозитарийси фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида депозитарий "Agro depo invest" компаниясига айлантирилди. Компаниянинг устав капитали 260 млн. сўм миқдорида белгиланиб, банк томонидан компания низом жамғармасига қўшимча равишда 151 миллион сўм инвестиция киритилди.*

*— "Агробанк" ҳамда Ислом хусусий секторни ривожлантириш ассоциацияси ўртасида кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш учун 5 миллион АҚШ доллари миқдорида молиялаштириш линиясини очиш тўғрисида келишув имзоланди.*

*— «Fitch Ratings» халқаро рейтинг агентлиги "Агробанк" 2009 йилда барқарор фаолият кўрсатганини тасдиқлаб, "Барқарор" тоифадаги тўлиқ рейтингга муносиб, деб топди.*

*— 2009 йил якунлари бўйича "Агробанк" халқаро "The Banker" журнали ўтказган танловда ғолиб деб топилиб, "Ўзбекистоннинг энг яхши банки", дея эътироф этилди.*

*— "Агробанк" ташаббуси билан Марказий банк раҳбарлигида Осиё-Тинч Океани минтақаси Қишлоқ ва қишлоқ хўжалигини кредитлаш ассоциацияси (АПРАКА) ҳамкорлигида мамлакатимизнинг барча тижорат банклари масъул ходимлари иштирокида микромолиялаштириш бўйича миллий форум ташкил этилди. "Агробанк" 2010 — 2011 йиллар давомида ушбу халқаро ташкилотга раислик қилади.*

*— Давлатимиз раҳбарининг "Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармойишига асосан, банк балансига олинган корхоналарни самарали бошқариш ва улар фаолиятини қайта тиклашни ташкиллаштириш мақсадида банк томонидан "Agroinvest — recovery" инвестиция компанияси ташкил қилинди.*

*— Банк активлари йил якунига келиб 1 триллион 383 миллиард сўмни ташкил этиб, 423 миллиард сўм ёки 44 фоизга ўсди.*

*— Банкнинг жамлама капитали йил бошидагига нисбатан 41 миллиард сўм ёки 32 фоиз ўсиб, 173 миллиард сўмга етди.*

*— Банк ўтган йил давомида иқтисодиёт тармоқларига жами 1 триллион 308 миллиард сўм ёки 2008 йилдагига нисбатан 367 миллиард сўм кўп кредит ажратди.*

## Инвестиция – ривожланиш омили

Агросаноат мажмуаси тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашга қаратилган фаол инвестиция сиёсати 2009 йилда янада изчил давом эттирилди. Ажратилган жами 242,8 миллиард сўм инвестиция кредитларининг 128,8 миллиард сўми ёки 53 фоизи қишлоқ хўжалиги соҳасига йўналтирилди.

Пахта тозалаш заводларини модернизациялаш ва реконструкция қилишга ўтган йил давомида банкнинг ресурс маблағлари ҳисобидан 13,3 миллиард сўм, дон маҳсулотлари корхоналарида амалга оширилган шундай тадбирлар учун 10,4 миллиард сўм кредит ажратилди. "Ўздонмаҳсулот" уюшмаси тизимидаги корхоналарга 565 миллион сўм, шунингдек, нон ишлаб чиқаришга ихтисослашган 32 та ихчам корхонани модернизация қилишга Германиянинг "Wachtel GmbHSCo" фирмаси ишлаб чиқарган ускуналарни сотиб олиш учун 6 миллиард 537 миллион сўм кредит берилди.

Давлатимиз раҳбарининг "Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича республика комиссияси йиғилишининг баённомасига асосан, Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида жойлашган трикотаж матолари ишлаб чиқарувчи банкротга учраган "Ас-шах" қўшма корхонаси банк балансига олинди. Унинг негизида янги "Investteks-IB" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. Корхонада ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ва янги иш ўринларини очиш мақсадида у "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компаниясига қарашли трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи "Alfi Tekstel" корхонасига сотилди. Бугунги кунда "Investteks-IB" корхонасида 96 та иш ўрни ташкил этилди. Янги инвесторлар томонидан 1,4 миллиард сўм миқдорида қўшимча сармоя киритилиб, 412 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинди.

Жойлардаги иқтисодий ночор яна 9 та корхона банк балансига ўтказилди. Жумладан, "Боғдодпарранда", "Хоразммахсустузатиш" акциядорлик жамиятлари, "Аграртехнологиялар" қўшма корхонаси, "Боғот тумани ДАЖ" машина-трактор парки, "Хўжайлисут" ва "Кўнчи" очиқ акциядорлик жамияти каби сотиб олинган барча ночор корхоналар негизида янги корхоналар ташкил этилиб, ишлаб чиқариш фаолиятлари йўлга қўйилмоқда. Банк балансига олинган корхоналарни самарали бошқариш ва фаолиятини қайта тиклаш мақсадида банк "Agroinvest — recovery" инвестиция компанияси фаолиятини йўлга қўйиб, сотиб олинган иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган бизнес-режани амалга оширмоқда.

## Кичик бизнеснинг катта одими

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки жаҳоннинг тараққий этган давлатлари тажрибасидан аёнки, ушбу соҳа ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, ички бозорни маҳаллий истеъмол моллари билан тўлдириш ҳамда янги иш ўринларини яратишда, қисқаси, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда муҳим кучлардан биридир.

"Агробанк" ҳам мавжуд маблағларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига йўналтиришга, улар учун қулай шарт-шароитлар яратишга ҳаракат қилаётир. Хусусан, 2009 йилда банк кичик бизнес субъектларининг 29 минг 552 та лойиҳасини молиялаштиришга 219,3 миллиард сўм кредит ажратди. Шундан банкнинг ўз ресурс маблағларидан 207,9 миллиард сўм, жалб этилган маблағлар ҳисобидан эса 11,4 миллиард сўм берилди.

Таъкидлаш жоизки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитларнинг умумий миқдори 135,8 миллиард сўмга ёки икки баробарга кўпайди. Шу жумладан, микрокредитлар ҳам 2008 йилдагидан 26,3 миллиард сўмга ошди.

"Агробанк" аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омилларидан бири бўлган шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини жадал ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. 2009 йилда уларда чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш мақсадларига 12,2 миллиард сўм кредит ажратилиб, шу ҳисобдан 9287 та янги иш ўрни яратилди.

Кейинги йилларда тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлашга эътибор кучайди. Бунда "Агробанк"нинг ҳам ҳиссаси катта. Ҳозирги кунда 16 минг 581 нафар тадбиркор аёл "Агробанк" муассасаларида ўз ҳисоб рақамини очиб, ишлаб чиқариш фаолиятини тобора кенгайтирмоқда Ўтган йили банк томонидан уларга 20,6 миллиард сўм кредит ажратилди. Бу 2008 йилдагидан 68 фоиз кўпдир. Кредит маблағларидан оқилона фойдаланган тадбиркор аёллар саъй-ҳаракати билан 8093 та янги иш ўрини очилди.

Мамлакатда кейинги йилларда касаначилик ҳаракати анча кенгайди. "Агробанк" бу соҳада ҳам фаол иш олиб бормоқда. 2009 йилда банк оилавий касаначиликни ривожлантириш саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш мақсадларига 2 миллиард 488 миллион сўм кредит ажратди.

2009 йил давомида кичик бизнес субъектларига берилган кредит маблағлари ҳисобидан жами 35 минг 948 та янги иш ўрни яратилди. Ишлаб чиқарилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар ҳажми эса 55 миллиард сўмликдан ошди. Бу 2008 йилдагига нисбатан 58 фоизга кўпдир.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, республиканинг энг йирик ва салоҳиятли тижорат банкларидан бири сифатида "Агробанк" мамлакат халқ хўжалигининг реал сектори, айниқса, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ҳар томонлама ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

**«Агробанк» матбуот хизмати.** t

## 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

***Аёлга эҳтиром — ҳаётга, келажакка эҳтиром. Бугун озод юртимизнинг ҳар бир дадил одимида, эришаётган ютуқларида хотин-қизларнинг муносиб ҳиссаси бор. Зеро, мустақиллик туфайли Президентимизнинг юксак эътиборлари боис мамлакатимиз аёлларининг жамиятдаги роли ва мавқеи ошди. Эндиликда улар тиниб-тинчимас тадбиркор, малакали шифокор, фидойи ўқитувчи, хуллас, ҳар бир соҳада ўз бурчларини астойдил бажариб келишмоқда. 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан уларнинг дил сўзларига қулоқ тутдик.***

# АЁЛ — ГЎЗАЛЛИК РАМЗИ

— Инсон — улуғ ҳилқат. Шундай экан, у ҳамиша қадрга, эъзозга муносиб. Навоий бобомиз ўзларининг машҳур бир рубоийсини: "Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш..." деб бошлаганлар. Шукрки, бугун яратилган шарт-шароитнинг қиёси йўқ. Айниқса, аёлнинг жамиятдаги мавқеи ошди. Бугун бизнинг қадримиз баланд, қаддимиз тик. Шахсан ўзим камтарона хизматларимнинг Президентимиз томонидан юксак қадрланганидан бошим осмонга етди. Менга ўхшаб қадр топган ва бундан куч-ғайрат олиб илҳомланганлар қанчадан-қанча? Бугун бизнинг барча илму интилишларимиз, эзгу ниятларимиз озод юртимизни обод этишга қаратилган. Ободлик эса, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, кўнгилдан бошланади. Бугунги улуғвор ўзгаришларнинг барчаси ана шундай эзгу ниятга ҳамроҳ бўлиш самарасидир.

Мамлакатимизнинг барча аёлларини байрам билан қутлаб, уларга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр тилайман. Алишер Навоий бобомиз айтганидек, умидим шулки, умидингга етгайсан!

**Суйима ҒАНИЕВА,**
**профессор,**
**«Буюк хизматлари учун» ордени соҳибаси.**

* * *

— Санъат туфайли юрт кездим, дунё кўрдим. Қайси мамлакатда бўлмайин, бир-икки кундаёқ Ўзбекистонимизни соғиниб қоламан. Чунки бизнинг юрт гўзал, одамларимизнинг бири-бирига бўлган меҳри бекиёс. Шундай бебаҳо ўлкамиз борлигидан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Гап шундаки, хориж мамлакатларида бизнинг санъатимизга ҳавас билан қарашади. Жаҳонга машҳур арияларни ижро этганимизни кўриб, қойил қолишади, олқишлашади. Бу бежиз эмас. Зеро, истиқлол йилларида санъатни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор ўз самарасини бермоқда. Баъзан истеъдодларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирларда қатнашиб, жажжи қизалоқларнинг қўнғироқдек овозларидан завқланаман. Фарзандлар камоли йўлида бундай ғамхўрлик унча-мунча давлатда учрамайди. Санъатга интилган қизларимиз, сингилларимиз, аввало, мана шу эътиборни чин юракдан ҳис қилсалар, ўз орзу-ниятларига, албатта, эришадилар. Байрам арафасида уларнинг барчасига омад тилаб қоламан.

**Муяссар РАЗЗОҚОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси халқ артисти.**

* * *

— Ўзбекистонлик ёш дизайнер ва модельерлар нафақат ўзимизда, балки хорижий мамлакатларда ўтказилаётган танловларда ҳам фаол қатнашиб, мутахассислар эътиборини қозониб келишади. Масалан, "Подиум — 2003" танловини олайлик. Ўшанда Чехияда деярли уч юз қатнашчи ичида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти талабалари Шаҳзода Насриддинова ва Мадина Мухторованинг ўзбекона услубда ишланган "Истиқболга қайтиш" ҳамда трикотаждан тикилган замонавий ёшлар либосларидан иборат коллекциялари ғолиб бўлганди. Бу ишлардан биринчиси — бетакрор Шарқ удумлари замонавий нақшларга уйғунлашиб кетганлиги ҳакамлар ҳайъатининг эътиборини тортди. Шаҳзода ва Мадинани танлов тугагандан сўнг Германиядаги кўргазмага таклиф этишди. Бу ҳам мамлакатимизда Юртбошимиз томонидан хотин-қизларга кўрсатилаётган юксак эътибору ғамхўрликнинг самараси, десак, асло муболаға бўлмайди.

**Холида КОМИЛОВА,**
**«Осиё рамзи» модельерлар уюшмаси бошқаруви раиси, профессор.**

* * *

— Мустақил диёримизда навқирон йигит-қизларнинг мустаҳкам билим олишлари учун бекиёс шарт-шароит яратилган. Таълим тизими ривожига катта маблағ сарфланмоқда. Ёшлар иқтидорини юзага чиқариш мақсадида кўплаб ижтимоий лойиҳалар амалга оширилаётир. Шу боис ҳар биримиз ҳеч кимдан кам бўлмай яшаш, озод ва обод келажак қуришда асосий куч сифатида майдонга чиқаётганимизни дилдан ҳис этиб, унга муносиб бўлишга интилмоқдамиз.

Менинг бахтли шундаки, Баркамол авлод йилида аспирантлар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиясига сазовор бўлдим. Ана шунинг ўзи ҳам мамлакатимизда хотин-қизларга эътибору ғамхўрлик нечоғли юксак эканидан бир далил, десам адашмайман, Ўз навбатида, биз ҳам Ўзбекистонимизнинг буюк келажаги йўлида бор имконият ва салоҳиятимизни ишга соламиз.

**Барногул САНАҚУЛОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиати, Тошкент Молия институти аспиранти.**


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

NBU

миллий валютада очиладиган қуйидаги янги муддатли омонат турлари жорий этилганлигини маълум қилади:

«Матонат» Сақлаш муддати — 24 ой. Фоиз ставкаси — **йиллик 18%.**
«Чинор» Сақлаш муддати — 18 ой. Фоиз ставкаси — йиллик **16%.**
«Само» Сақлаш муддати — 6 ой. Фоиз ставкаси — **йиллик 14%.**
«Тикланиш» Сақлаш муддати — 9 ой. Фоиз ставкаси — **йиллик 15%.**

Болалар учун янги жамғарма омонати

«Ниҳол» Сақлаш муддати — 5 йилдан ортиқ. Фоиз ставкаси — **йиллик 21%.**

*Омонатларга пул маблағларини қабул қилиш 2010 йил 1 сентябргача давом этади.*

Қўшимча маълумотларни (8-371) 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг барча бўлими/филиалидан олиш мумкин.

162R/70

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.



**Ташкилот**

янги бўлмаган, яхши ҳолатдаги «ЗИЛ-157» русумли автомобиллар, «ГАЗ-71» русумли, занжирли, ҳар қандай йўлда ҳам юра оладиган машина (вездеход), шунингдек, занжирли чопиқ тракторларини

**сотиб олади.**



Телефон: (+998 90) 357-84-85.
Факс: (+998 71) 233-59-08.

157R/231


Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт



***Кеча пойтахтимиздаги "Пахтакор" марказий стадионида футбол бўйича 2011 йили Қатар давлатида бўладиган Осиё чемпионатининг саралаш учрашуви ўтказилди. Унда "С" гуруҳидан жой олган Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари терма жамоалари майдонга тушдилар.***

## Саралаш учрашуви якунланди

Хабарингиз бор, ҳар иккала терма жамоа ҳам Осиё чемпионати йўлланмасини муддатидан олдин қўлга киритган эди. Шу боис ушбу ўйин футболчилар маҳоратини яна бир бор синовдан ўтказиш билан биргаликда, гуруҳ ғолибини аниқлаб берди. Агар статистик маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, шу кунгача Ўзбекистон ва БАА футболчилари ўзаро тўққиз марта учрашишган, шундан иккитасида ҳамюртларимиз ғалаба қозонган бўлса, икки учрашувда дуранг натижа қайд этилган, бешта ўйинда эса амирлик футболчилари зафар қучишганди. Қизиқ томони, юртдошларимиз шу кунгача БАА терма жамоасини ўз майдонида бирор марта ҳам мағлубиятга учрата олмаган.

Бу сафар ҳам ўша нохуш анъана сақланиб қолди. Учрашув 0:1 ҳисобида меҳмонлар фойдасига ҳал бўлди.

**З. ЖОНИБЕКОВ.**

# КАТТА ҒАЛАБАЛАР ҲАЛИ ОЛДИНДА

***"Севинч" жамоаси юртимизда ўтаётган турли мусобақаларда, у катта футбол, минифутбол ёки пляж футболи бўладими, фақат биринчи ўринни эгаллаб келаяпти. Ўтган йили бир неча халқаро турнирларда ҳам муҳим совринларни қўлга киритдик.***

Ўзбекистон аёллар терма жамоасининг асосини "Севинч" клуби қизлари ташкил этиши ҳам шахсан мени ғурурлантиради.

2009 йил 3 декабрда Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида футболни ривожлантиришни давлат томонидан янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унда футболни бундан-да оммавийлаштириш кўзда тутилган. Демак, эндиликда терма жамоага энг сара футболчиларни саралаб олиш имконияти янада кенгаяди.

Қизларимиз Ўзбекистон терма жамоаси таркибида яқинда Россия Федерациясининг Омск шаҳрида 17 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида ўтказилган турнирда кўнгилдагидек қатнашди. Қувонарлиси; март ва май ойларида яна Россияда, апрелда эса Иорданияда минифутбол бўйича бўлиб ўтадиган халқаро турнирларда иштирок этувчи жамоалар рўйхатида ҳам "Севинч"нинг номи қайд этилган.

Ўтган йили вилоятимизда ўтказилган "Qarshi Cup" халқаро турнири кўпчиликда катта таассурот қолдирди. Бу йил мазкур мусобақани иккинчи марта ўтказишни режалаштирганмиз. Унда иштирокчи этувчи жамоалар сонини оширишни ҳам мўлжаллаяпмиз.

Йиллар ўтгани сайин футболчиларнинг ёши улғайиб бораверади. Табиийки, эртага кимлардир уларнинг ўрнини эгаллаши керак. Шуни ҳисобга олиб, 4 та гуруҳда 1993 — 2001 йилларда туғилган қизлар иштирокида машғулотлар ўтказаяпмиз. Равшан Шарофиддинов, Баҳром Норсафаров, Собир Ҳайдаров ва Гулнора Тўраева мураббийлик қилаётган мазкур гуруҳларга 20 нафардан ёш футболчилар жалб этилган.

Келгусида уларнинг орасидан "Севинч", қолаверса, миллий терма жамоамиз учун муносиб номзодлар етишиб чиқишига ишончим комил.

**Абдураҳмон ЮМАНГУЛОВ,**
**Қарши шаҳридаги «Севинч» клуби раиси.**



***Вобкент тумани марказида замонавий спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди.***

## Ёшлар қувончи

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали томонидан ажратилган 800 миллион сўмлик маблағ эвазига бўш ётган бино реконструкция қилинди.

Шунингдек, ушбу мажмуа 30 миллион 850 минг сўмлик спорт жиҳозлари билан таъминланди. Ҳозирда бу ерда ёшлар спортнинг ўнлаб турлари билан шуғулланишмоқда.

**И. ИСТАМОВ.**

## ОБ-ҲАВО
(4 март)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёмғир ёғиши мумкин. Туман тушади. Тунда 0-5 даража илиқ, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Вақти-вақти билан ёмғир ёғиши кутилмоқда. Туман тушади. Ҳарорат кечаси 3-8 даража илиқ, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади. Навоий вилоятининг шимолий қисмида эса тунда 0-5 даража илиқ, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Туман тушади. Тунда 3-8 даража илиқ, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёмғир ёғиши мумкин. Туман тушади. Ҳарорат кечаси 3-8 даража илиқ, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Туман тушади. Тунда 6-11 даража илиқ, кундузи 12-17 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ёмғир ёғади. Туман тушади. Тунда 3-8 даража илиқ, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғиши кутилмоқда. Туман тушади. Ҳарорат тунда 6-8 даража илиқ, кундузи 12-14 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

## Теннисчимиз — бош соврин соҳиби

***Иқтидорли теннисчимиз Сабина Шарипова Бангладешнинг Ражшахи шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда муваффақиятли иштирок этди.***

Ўн олти ёшли спортчимиз Халқаро теннис федерациясининг тақвим жадвалидан жой олган турнирнинг яккалик баҳслари финалида хитой тайпейилик Хуа Чен Лини 7/6(2), 6/0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, бош соврин билан тақдирланди.

Сабина Шарипова ва Хуа Чен Ли жуфтлик беллашувларида финалгача етиб боришди.

Эслатиб ўтамиз, нуфузли мусобақада дунёнинг ўндан ортиқ мамлакатидан келган теннисчилар кортга чиқдилар.

**У. ҲАКИМЖОНОВ тайёрлади.**


Alliance Insurance

Ихтиёрий тиббий суғурта



Келажагингиз ҳақида
ALLIANCE INSURANCE билан қайғуринг

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Миробод к., 35-уй.
Телефон: (8-371) 120-71-00. Факс: 120-70-01.
www.a-insurance.uz

Хизматлар лицензияланган.

176R/17



ISO 9001?

Как управлять
по международным нормам

...миссия, стратегия, качество,
бизнес-процессы, безопасность,
экология, QPI, КТУ, персонал,
брендинг, сервис, кайдзен, BSC...




+998 (71) 140-14-24



Продаются
КВАРТИРЫ ОТ ЗАСТРОЙЩИКА

Низкие цены



281-52-02, 709-08-77



ГОТОВЫЙ БИЗНЕС



○ Мель-комбинат
○ Рыбхоз
○ Гостиница
○ Магазин
○ Ресторан
○ Офисное здание

Гувоҳнома № 002999

98R/631

281-52-02, 281-42-02



ТАШКИЛОТ МЕХАНИК ИШЛОВ БЕРИЛГАН ҚУЙИДАГИ
ҚУЙМА МАҲСУЛОТЛАРНИ
ТАКЛИФ ЭТАДИ:

«КМД-1750» русумли конусли майдалаш ускунаси учун ЗИРҲЛАР (ҳаракатланадиган ва ҳаракатланмайдиган);

«СМД-741» русумли шекли майдалаш ускунаси учун МАЙДАЛАШ ПЛИТАЛАРИ (ҳаракатланадиган ва ҳаракатланмайдиган).

Шунингдек, турли хил майдалаш ускуналари учун зирҳ ва плиталарни етказиб беришга буюртмалар қабул қилинади.

Телефонлар: (+998 90) 168-56-24, (+998 97) 485-54-62.
E-mail: shohbron@rambler.ru

60R/93



«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
236-09-25


"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раис ўринбосари, Республика "Камалак" болалар ташкилоти раиси Одина Жамолдиновага онаси

**Қумрихон ая ЖАМОЛДИНОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети жамоаси Электроника ва автоматика факультети декани муовини Абдурасул Ҳошимовга волидаи муҳтарамаси

**ЗУҲРА аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 203. 63895 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Қутбиддинов.
Навбатчи — Қ. Ҳидиров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.05 Топширилди — 22.50 1 2 3 4 5